

Азамат НАЗАРОВ,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика кафедраси
ўқитувчиси 19azamatnazarov80@gmail.com

БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ И СОЦИАЛЬНО- ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРИНЯТИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ РЕШЕНИЙ

ORGANIZATIONAL AND SOCIO- PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF MANAGEMENT DECISION- MAKING

Аннотация: Мазкур мақолада бошқарув қарорларини ишлаб чиқишнинг ташкилий ва ижтимоий-психологик жиҳатлари аниқланган. Бошқарув қарори концепциясининг моҳияти, унинг асосий хусусиятлари ва амалга ошириш босқичлари очиб берилади. Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш жараёнида менежернинг шахсий фазилатлари ва ишбилармонлик хатти-ҳаракатлари хусусиятларининг аҳамияти асослари берилган.

Калит сўзлар: шахс, персонал, менежер, шахснинг индивидуал хусусиятлари, менежмент, қарор қабул қилиш, бошқарув қарорлари, онгли танлов, детерминизм, индетерминизм.

Аннотация: В статье определены организационные и социально-психологические аспекты выработки управленческих решений. Разъясняется суть концепции управленческого решения, его основные особенности и этапы реализации. В процессе выработки управленческих решений излагаются основы важности личных качеств руководителя и особенности делового поведения.

Ключевые слова: личность, персонал, менежер, индивидуальный особенности личности, принятие решений, управленческие решения, осознанный выбор, детерминизм, индетерминизм.

Abstract: The article defines the organizational and socio-psychological aspects of the development of managerial decisions. The essence of the concept of a management solution, its main features, and stages of implementation are explained. In the process of developing management decisions, the basics of the importance of the personal qualities of a leader, and the features of business behavior are set out.

Key words: personality, staff, manager, individual personality traits, making decisions, conscious choice, determinism, indeterminism.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда рўй бераётган ижтимоий ҳодисалар инсоният тафаккурида ўз аксини топади. Фан ҳам ижтимоий онг шакли сифатида ўз замонасига хос хусусиятларни акс эттиради. Шу маънода ҳозирги замон психология фани ривожда кескин бурилишлар содир бўлмоқда. Муайян давргача назарий масалаларга асосий эътиборни қаратиб келган психология бугунги кунда қатор амалий вазифаларни ҳал этиш сари қадам қўйди. Бундай вазифалар, охир оқибат инсоният манфаати одамларга қулайликлар яратиш йўлидаги хайрли ишларни амалга ошириш билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг бугунги тарихи демократик давлатни шакллантиришга асосланган. Мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида демократик ислохотларни талаб этадиган жараёнда халқнинг ана шу муҳим жараёнда фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида, иқтисодий муносабатлар, мулкчиликнинг янги шакли вужудга келган вақтда бошқарув тизимини ўз миллий тараққиётига мос равишда ўзгартириб келмоқда. “Бошқарув тизимининг самарадорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш сифатини сезиларли даражада ошириш, уларнинг ижроси устидан назоратнинг таъсирчан механизмини жорий этиш” бошқарув тизимини ислох қилишнинг асосий йўналиши деб тан олинди.

Замонавий бошқарувда қарорларини тўғри тайёрлаш ва қабул қилиш ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-психологик ва иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида бошқарув самарадорлигига эришиш икониятини яратади.

Бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёни юқори малака ва амалий иш тажрибасини талаб қилувчи меҳнат фаолиятининг алоҳида туридир. Одатда, бошқарув қарорлари қабул қилиш бирон-бир мақсадга йўналтирилган бўлиб, маълум қоида, аниқ ҳаракатлар доирасида амалга оширилади.

Давлат бошқаруви соҳасида қарор қабул қилиш жараёни демократик негизини тадқиқ этишнинг долзарблиги қатор объектив сабаблар билан боғлиқ:

Биринчидан, республикамызда амалга ошириладиган ислохотларда давлатнинг бош ислохотчилик ролини эътиборга олган ҳолда давлат бошқаруви соҳасида қабул қилинадиган қарорларни изчил ўрганиш - давр талаби эканлиги.

Иккинчидан, давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бошқарув қарорлари қабул қилиш бугун ҳаётий заруриятга айланмоқда.

Учинчидан, мустақиллик даврида мамлакатимизда қабул қилинадиган бошқарув қарорлари моҳиятини таҳлил этиш Ўзбекистонда кечадиган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-психологик жараёнларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва истиқболли йўналишларни белгилаш имконини беради.

Тўртинчидан, аҳолининг қарорлар қабул қилиш жараёнидан хабардорлиги, улар томонидан назорат қилиниши, уларнинг бошқарувдаги иштироки келгусида ҳамжамият олдида жавобгарлик ҳиссини уйғотишга замин яратади.

Ислохотларни самарали амалга оширишда дунё фанларининг ютуқлари, ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси билан бир қаторда миллий бошқарув анъаналаридан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳоҳ стратегик ислохотлар бўлсин, ҳоҳ кундалик фаолиятда қабул қилинадиган қарорлар бўлсин, уларни самарали амалга ошириш, қўллаётган, аниқроғи, режалаштириладиган натижаларга аниқ ва равшан эришишнинг замини ушбу қарорлар тайёрланадиган вақтда уларга эътиборни талаб қилади. Пухта ўйланган, вазият ривожланиши олдиндан ҳар томонлама таҳлилдан ўтган ҳолда қабул қилинган қарорлар

кўзланган натижага эришишда йўлнинг ярмини ўтиш деса бўлади. Яъни, тўғри қарор қабул қилиш мақсадга эришиш имкониятини кенгайтиради.

Дарҳақиқат, шу ўринда соҳибқирон Амир Темурнинг сўзларини эслаш ўринли: «Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўлларини мулжаллаб қўяр эдим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, чинлик-чидамлик кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоқни кўриб, ортини ўйлаган ҳолда охирига етказардим» . [1,2]

Маълумки, ташкилотни бошқаришнинг асосий жиҳатларидан бири, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва улар ижросини таъминлашдир. Бошқарув қарори ташкилотдаги бирон объектни кўзланган мақсадга мувофиқ равишда бир ҳолатдан, иккинчи ҳолатга келтириш билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам бошқарув қарорлари ташкилотнинг истиқболини, тараққиётини белгилувчи асосий ижтимоий-психологик, иқтисодий омиллардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий фан йўналишларида бошқарувда қарор қабул қилиш, қабул қилинган қарорларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини илмий тадқиқ этишга ҳаракат қилинмоқда.

Қарор қабул қилиш жараёнининг психологик жиҳатини билиш мавжуд босқичларни янада самарали амалга ошириш имконини беради. Гап шундаки, тўғри қарор қабул қилиш ва уни самарали равишда жорий этиш учун раҳбар психологик жиҳатдан ҳам маълум амалларга риоя қилиши керак. Бу тадбирнинг асосий мазмуни шундан иборатки, раҳбар муаммоли вазият ҳақида маълумот йиғар экан, муаммо ҳақида бирламчи тасаввур - инфор­мацион модел ярата бошлайди. Бу моделнинг ҳақиқатга ва мавжуд вазиятга қанчалик мослиги олинадиган маълумотнинг тўла-тўқислиги, ҳар томонламалигига боғлиқ.

Демак, юқорида келтирилган бу фикрлар биринчи навбатда қарорлар қабул қилишда инсон омилининг энг устувор эканлигини билдирса, иккинчидан, ҳар бир инсонни ўз

иш фаолиятида юзага келадиган муаммоли вазиятларни ҳал этишда муҳим қарорларларни қабул қилиш орқали ўз ички имкониятини, фикр қилиш лаёқатини аниқлаш ва бу борада зарур амалларни бажариш имкониятининг яратилишини ҳам билдиради. Таъкидлаш мумкинки, мазкур мавзу доирасидаги тадқиқот ишимиз долзарб аҳамиятга эга.

Бошқаришда қарор қабул қилиш моделлари, технологиялари ва унинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳамда «Қарорлар қабул қилиш» атамаси илк бор XX асрнинг 30-йилларида Америкалик олимлар Ч.Бернард, Э.Стин ва бошқлар томонидан қўлланилган. Улар ижтимоий ва ташкилий жараёнларни номарказлаштиришни таърифлашда ушбу атамадан фойдаланишган. XX асрнинг 60-йилларида мазкур назария Г.Саймон ва Д.Марчлар томонидан ривожлантирилди. Ҳозирги кунда иқтисод, социология, сиёсатшунослик, ижтимоий психология соҳаларида ижтимоий жараёнларни моделлаштириш назарияси доирасида ушбу назариянинг турли йўналишлари ишлаб чиқилмоқда. [1,3,4,9]

Бошқарув қарорлари қабул қилиш масаласи, оқилона ва самарали қонунлар қабул қилиш ҳамда бошқа ҳужжатлар тайёрлаш жараёни азал-азалдан олимлар эътиборини ўзига тортиб келган. Давлат бошқаруви назариясининг шаклланишига Афлотун, Каутилья, Шан Ян каби қадимги мутафаккирлар улкан ҳисса қўшганлар. Лекин, аслида, илк бор қарорлар қабул қилишнинг махсус назариясини ишлаб чиққан мутафаккир – Арасту ҳисобланади. Айнан Арасту қарорлар қабул қилиш жараёнини тавсифловчи категориялар мажмуини ифодалаб берган ва бу жараённинг назарий асосини ишлаб чиққан. У ўз таҳлилида «мулоҳазакорлик» (phronesis) ва «онгли танлов» (proairesis) тушунчаларидан келиб чиққан. Арасту қарашларига кўра, инсоннинг тафаккур қилиш қобилияти икки хил кўринишда: назарий донишмандлик ва амалий мулоҳазакорлик шаклида намоён бўлади. Шунга асосан, фундаментал фаннинг асосини назарий донишмандлик ташкил этса, татбиқий билимлар амалий мулоҳазакорликка таянади.

Иккинчи асосий тушунча - «онгли танлов» белгиланган мақсадга эришиш йўлини излаётган инсон фаолиятининг ихтиёрий табиати ва ноаниқлигини ўзида ифода этади. Арасту таъкидлаганидек, қарорларда пировард мақсадгина қамраб олинмайди, балки, кўпроқ шу мақсадни амалга ошириш воситаларига ургۇ берилади. Шундай қилиб, Арастуга кўра, бошқарув қарорлари қабул қилиш таҳлилий-амалий фаолият ва татбиқий фан бўлиб, биринчидан, мақсадга мувофиқ воситаларни оқилона ва онгли танлашга йўналтирилган; иккинчидан, ноаниқлик, ихтиёрийлик ва эркин танлов шароитида мақсадга эришишнинг энг самарали йўллари топишга йўналтирилади.

Манбалардан маълум бўлишича, давлат қарорларини оқилона ва мақсадга мувофиқ равишда қабул қилиш масаласи уйғониш даври мутафаккирлари (Н.Макиавелли, Ж.Боден ва бошқалар) ва маърифатпарварлар (Т.Гоббс, Б.Спиноза, Ж.Ж.Руссо ва бошқалар) томонидан изчил ўрганилган. Жумладан, давлат қарорларини турларга ажратиб, Н.Макиавелли ва Т.Гоббс ҳукмдорларнинг маслаҳатчилари ва уларнинг маслаҳатлари ҳақида фикр юритади. Б.Спиноза ва Ж.Ж.Руссо вакиллик органлари ҳамда халқ йиғинларида овоз беришнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилади, Ж.Боден эса қарор қабул қилишда социал шароитни ҳисобга олиш зарурати тухталади. Мазкур муаллифларнинг фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. [11,12,13]

Қарор қабул қилиш жараёнини психологик таҳлил этиш масаласи, авваламбор, бошқарувчи ёки ижрочининг фаолиятини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шундан келиб чиқиб, мазкур мақсадни амалга ошириш учун раҳбар ва ходимга қўйиладиган талаблар, уларни бажаришга мойиллик ва қарор қабул қилиш фаолиятида мақбул йўлни танлашни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ижтимоий-психологик ва шахс хусусиятларини ўрганиш зарурати туғилади.

Жаҳон фани бошқарув қарорлари қабул қилиш назарияси билан боғлиқ нуфузли илмий салоҳиятга эга. Хусусан, В.Н. Спицнадельнинг “Самарали қарорлар қабул қилиш назарияси

ва амалиёти”, О.И.Ларичевнинг қарорлар қабул қилиш назарияси ва услублари» ҳамда Э.А.Смирновнинг «Бошқарувга оид қарорлар» китобларида қарор қабул қилиш жараёнига оид назарий фикрлар ва амалий кўрсатмалар салмоқли ўрин эгаллаган.

А.И.Соловьёвнинг «Сиёсатшунослик, сиёсий назария, сиёсий технологиялар», В.И.Кноррингнинг «Бошқарув назарияси, амалиёти ва санъати», Д.П.Зеркин ва В.Г.Игнатовларнинг «Давлат бошқаруви назарияси асослари», Г.В.Пушкарёвнинг «Сиёсий менежмент», маҳаллий олимларимиздан Э.Ғ.Ғозиев “Менежмент психологияси”, И.Махмудовни “Бошқарув психологияси”, А.Назаровнинг “Менежмент ва маркетинг психологияси” номли кўлланмаларида бошқарув соҳасида бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнининг моҳияти ва хусусиятлари очиқ берилган. [1,5,7,8]

Аммо, бошқарув фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнининг ижтимоий-психологик жиҳатлари бугунги кунда жаҳон психология фанида етарлича ўрганилмаганлиги кўзга ташланади.

Қарорлар қабул қилиш назариясига тухталишдан аввал “қарор” тушунчасига, хусусан, “бошқарув қарори” тушунчасига изох бериш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, қарор қабул қилиш деб, инсон фаолиятининг муқобил йўллардан яхшисини танлашга қаратилган алоҳида турини тушунамиз. “Қарор” сўзининг турли таърифлари мавжуд. Лунда қилиб айтганда, қарор - бажарилиши лозим бўлган ишнинг аниқ бир йўлини танлаб олишдир. Бошқача айтганда, қарор - у ёки бу йўлни танлаб олишда бир тухтамга ёки фикрга келишдир.

“Қарор, - деб ёзади Э.Смирнов, - инсоннинг ақлий фаолияти маҳсули бўлиб, у ёки бу хатти-ҳаракатни амалга оширишга олиб келадиган ҳулосасидир. Қарор муайян мақсадга қаратилган бўлиб, бирор қисқа ёки узоқ муддатли вазифани амалга оширишга, содир бўлаётган жараёни давом эттиришга ёхуд тухтатишга йўналтирилган бўлиши мумкин”. Демак, қарор - инсон ақлий фаолиятининг маҳсули бўлиб,

унинг фаолиятини режалаштиради, тартибга солади. [9,15]

Қарор қабул қилиш - мураккаб фикрлаш жараёни бўлиб, муаммони англаш, адекват мақсадни қўйиш ва унга эришиш учун восита танлаш.

Қарор қабул қилиш деб, биз инсон фаолиятининг муқобил йўллардан бири - яхшисини танлашга қаратилган алоҳида турини тушунамиз. Ушбу ёндашув танлаб олиш жараёнида қуйидаги учта элемент мавжуд бўлишини тақозо этади:

- ҳал бўлиши лозим бўлган муаммо;
- қарор қабул қиладиган шахс ёки жамоа;
- танлашучун бир неча муқобил вариантлар.

Ушбу элементлардан бири бўлмаса, танлаш жараёни ҳам бўлмайди. Лекин бу, қарор қабул қилинмайди, дегани эмас, балки бунда онгли қарорга нисбатан бошқача турдаги қарор қабул қилинади.

Раҳбарнинг қарор қабул қилиш усули.

Муаммоларни ижобий ҳал қилиш қобилиятидан маҳрум бўлган раҳбар ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг ривожланишини назорат қилиши мумкин, аммо уни юқори даражага олиб чиқа олади. Ижодий фикрловчи раҳбар вазиятни бошқара олади. Раҳбарнинг жамоа фикрини ўрганиб, муаммолар бўйича қарор қабул қилиш усули қуйидагича бўлади:

1. Қарорнинг илмий асосланганлиги.

Қарорларни муайян ишлаб чиқариш шароитини таҳлил қилишдан келиб чиқиб, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳозирги замон фан ютуқлари асосида қабул қилиш керак.

2. Қарорларнинг бирлиги.

Одатда, асосий масалалар билан бирга, кичик масалаларни ҳам ҳал этишга тўғри келади.

3. Қарорларнинг адолатлилиги, ҳаққонийлилиги.

Қарорлар фақат раҳбарларга берилган ҳуқуқ- даражасидагина қабул қилиниши мумкин.

4. Қарорларнинг тўғри йўналтирилганлиги.

Ҳар қайси қарор ижрочиларга тушунарли, шунингдек, кимга мулжалланганлиги аниқ бўлиши керак.

5. Қарорларнинг ихчамлиги.

Ахборотлар билан ишлаш вақтини тежаш мақсадида ихчам, аниқ қарорлар қабул қилинади.

6. Қарорларнинг вақти бўйича аниқлиги. Раҳбар ўз қўл остидагиларга топшириқларнинг бажарилиш муддатини аниқ кўрсатиб бериши керак.

Қарорларнинг тезкорлиги. Бундай қарорлар бир дақиқада, яъни ишлаб чиқариш ҳолати талаб қилганда қабул қилиниши мумкин.

Бошқарув қарорлари эса бошқарув жараёнида турли масалалар юзасидан турли даражада хилма-хил моҳият ва мазмунга эга бўлган якуний ҳулосадир. Яъни бошқарув қарорлари - раҳбар томонидан қабул қилинган, аниқ натижага эришиш мақсадида белгиланган тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган ҳамда бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжат. Бошқарув қарорлари қарор, фармон, фармойиш, буйруқ; ва бошқа ҳужжатлар кўринишида бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, бошқарувчилик фаолияти билан шуғулланувчи раҳбарлар шахсига хос бўлган индивидуал-психологик хусусиятлар уларнинг шахслараро муносабатлар тизимига, бошқарувчилик фаолияти самарадорлик даражасининг ошишига ўз таъсирини кўрсатади.

Хулоса. Бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнининг такомиллаштириш истиқболлари бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормокда. Давлат ва жамият бошқаруви демократик тамойиллар, ҳозирги замон бозор иқтисодиёти фонуниятлари асосида ривожлангани сари бошқарув қарорлари ушбу қонуниятларга мос тарзда ишлаб чиқишини тақозо этади, бу ўз ўрнида бошқарув самарадорлигига эришиш имкониятини яратади. Шунингдек, бошқарув қарорларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, уни такомиллаштириш ва бу соҳада замонавий раҳбар кадрлар тайёрлаш, уларда оқилона бошқарув қарори қабул қилишга доир кўникма ва малакани шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бошқарув қарорларини қабул қилишда қуйидаги ижтимоий-психологик жиҳатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир деб ўйлаймиз:

1. Қарор қабул қилиш жараёнининг психологик жиҳатини билиш мавжуд босқичларни янада самарали амалга ошириш имконини беради. Тўғри қарор қабул қилиш ва уни самарали жорий этиш учун раҳбар психологик жиҳатдан ҳам муайян мезонларга риоя қилиши керак.

2. Мамлакатимизнинг янгилашиш босқичида ислохотларни жадаллаштиришга асос бўла оладиган бошқарув қарорлари қабул қилиш йўлидаги изланишлар, тадқиқотлар, илмий текшириш ишларини (психологик ва педагогик жиҳатдан ҳам илмий изланишларни) олиб боришни йўлга қўйиш лозим

3. Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни назарий билимларни ижодий тасаввурга ва олдиндан кўра билиш қобилияти билан уйғунлаштириб, тадбиқий технологияларни амалий кўникма ва малакалар билан мутаносибилгини таъминлашни йўлга қўйиш.

4. Тажриба ва кузатув натижаларининг кўрсатишимча, бошқарувчилик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг бир қисмида ҳиссий омилларга толерантликнинг пастлиги, ўзига ишонмаслик, тез ҳаяжонланиш, асабийликка мойиллик асаб тизими кучсизлар ҳам учраб туришлиги кузатилди. Бундайларда ўз-ўзига нисбатан ишонч, ижтимоий ва психологик фаолликни ошириш талаб этилади.

5. Қарор қабул қилиш жараёнида ўрганилаётган объектларга нисбатан раҳбарлар креатив кўникмалар, яъни билимларни бевосита борлиқдан олиш, ностандарт вазиятларда муаммони ҳал этишнинг ҳаракат усуллари ва эвристик методларини танлай билиши қабул қилинаётган қарорнинг муваффақиятини таъминлашда иштирок этади.

6. Бошқарув қарорларини қабул қилишда қатор ижтимоий-психологик хусусиятларни: демографик, миллий таркибнинг этнопсихологик хусусиятларини ҳисобга олиш, маълум кадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий-психологик онгини ҳисобга олиш, қарорлар қабул қилишда бошқарувчининг касбий маҳорати, ижтимоийлашув даражаси, тафаккур хусусиятлари ва раҳбар ходимларда инсон омилига эътиборни қаратиш

психологиясини шакллантириш ва бошқаларни инобатга олиш лозим.

7. Ҳар қандай даражадаги раҳбар ўз ҳуқуқ ва бурчларини, масъулият ва жавобгарлигини тасаввур қилиш керак. Шунингдек, раҳбар бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни ижро этишга доир демократик ва миллий этнопсихологик кадриятларга хос бўлган бошқарув малакалари ва кўникмаларини эгаллаган бўлиши лозим.

8. Қарор қабул қилишда инсон омили юқори ўринда турар экан, бу жараённинг асосий иштирокчилари, яъни қарор қабул қилувчи (раҳбар) ва мутахассисларнинг (ҳодимлар, экспертлар) профессионализм даражасини ўстириш, бунга шарт-шароит яратиш ва уни раҳбатлантириш мақсадга мувофиқ.

9. Жамоадаги психологик муҳитнинг ишга ижобий таъсирини назарда тутиб, унга эътиборни кучайтириш ва мутахассис психологларни жалб этиш. Бошқача айтганда бошқарув қарорларининг ижтимоий-психологик жиҳатларини Ўзбекистон ва жаҳон тажарибасини таққослаган ҳолда ўрганиш ва бу соҳада илмий тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш.

10. Қарор қабул қилишда шахснинг характер ва темперамент хусусиятларининг ўрни ва таъсири яққол кўзга ташланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов У.Ғ. ва бошқалар. Персонални бошқариш. -Т.: Шарқ, 1998.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т.: Шарқ 2000, 72-90- бетлар.
3. Бирман Л. А. Управленческие решения. Учеб. пособие. -М.: Дело, 2008.
4. Вертакова Ю.В., Козьева И.А., Кузбожев Э.Н. Управленческие решения: разработка и выбор. - М.: Кнорус, 2009.
5. Ларичев О.И. Теория и методы принятия решений. Учебник. – М.: Логос, 2000.
6. Ломакин А.Л. Управленческие решения. -М.: Форум- Инфра, 2005.
7. Махмудов И. Бошқарув психологияси –Т.: YUNAKS- PRINT, 2006.
8. Назаров А.С. Менежмент ва маркетинг психологияси. -Т.: Иннавацон-Зиё, 2020.
9. Назаров А. Психологические особенности руководителей, влияющие на принятие управленческих решений //Молодой ученый. – 2019. – №. 44. – С. 298-300.
10. Омонов.Б.С. Менежмент асослари ва бошқарув қарорлари. -Т.: ТДАМ, 2006.
11. Смирнов Э.А. Управленческие решения. – М.: Инфра, 2001.
12. Цыгичко В.Н. Руководителю о принятии решений. – М.: 2007.
13. Kindon J.W. Agendas, Alternatives and Public Copyright, 2014.
14. Lasswell H. Power and Personaliti. N.Y., 2009.
15. Nazarov A. S. Psychological analysis of levels of administration of management decisions //Вопросы экономики и управления. – №. 3. – С. 1-5. –К.: 2020.